Ушбу сонда:
2 ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ
3 ИЖТИМОИЙ КЎНИКМА МАРКАЗИ янги ҳаётга йўл очмоқда
4 Диққат, янгилик! ХОРИЖГА СОТИЛМАГАН ИХТИРО

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 16 декабр, шанба №178 (1010)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

XXI АСРГА 15 КУН ҚОЛДИ

Ҳар лаҳза замонлар умридек узун,
Асрлар тақдири лаҳзаларда ҳал,
Умрдан ўтажак ҳар лаҳза учун
Қудратли қўл билан қўяйлик ҳайкал.

Ғафур Ғулом.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Муҳтарам дўстлар!

Мана шу муборак кунларда сиз, қорақалпоқ адабиёти ва санъати намояндаларини, барча анжуман иштирокчиларини азим пойтахтимиз Тошкентда бошланаётган Қорақалпоғистон маданияти байрами билан чин қалбимдан самимий мубораквод этаман.

Она Ўзбекистонимизнинг кўпмиллатли оиласида, унинг иқтисодий ва маданий тараққиётида Оролбўйи ўлкасининг ўзига хос ўрни ва салоҳияти борлиги барчамизга аён.

Қорақалпоқ халқи қадим-қадимдан мардлик, муҳаббат, она Ватанга садоқат каби олижаноб туйғуларни эъзозлаб, ўзининг бетакрор қўшиқ ва достонларида улуғлаб келади.

Бу халқнинг бадиий тафаккури ва юксак маънавияти «Қирққиз» каби достонлар, шу муқаддас заминда яшаб ўтган, эл-юрт озодлиги, адолат ва маърифат учун курашни ҳаётининг маъно-мазмуни деб билган Кунхўжа, Ажиниёз ва Бердақ каби оташнафас шоирларнинг ижодида яққол ўз ифодасини топган.

Улуғ аждодларимиз меросидан баҳра олиб, маънан ва руҳан юксалган қорақалпоқ халқи айниқса мустақиллик йилларида ўзлигини тўла намоён этиб, серқирра маданиятини ҳар томонлама ривожлантираётгани ҳаммамизни қувонтиради.

Мана шундай гўзал санъат ва маданиятни яратган, уни асраб-авайлаб келаётган қорақалпоқ шоир ва адиблари, рассом ва бастакорлари, кўплаб атоқли санъаткорлари ва ёрқин истеъдод соҳиблари бутун Ўзбекистонимизнинг ғурур-ифтихорига айланган, десак, асло муболаға бўлмайди.

Қадрли анжуман иштирокчилари!

Ишончим комилки, сизлар бу байрамга нафақат бетакрор санъатингиз намуналарини, жарангдор қўшиқларни, айни вақтда бепоён далалар, кўз илғамас яйловлар нафасини, мени ўз фарзанди деб билган қорақалпоқ халқининг юрак ҳароратини ҳам ўзингиз билан бирга олиб келгансиз.

Сизларни яна бир бор қутлар эканман, эзгуликни, Ватанга муҳаббат, дўстлик, меҳр-оқибат каби юксак ғояларни тараннум этишда барчангизга битмас-туганмас куч-ғайрат, ижодий ютуқлар, анжуман ишига муваффақиятлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА МУРОЖААТИ

Азиз ватандошлар!

Саноқли кунлардан кейин инсоният янги минг йилликка қадам қўяди. Бугун янги аср бўсағасида туриб, беихтиёр ўзимизга ўзимиз шундай саволлар берамиз: тугаётган аср қандай кечди ва янги аср қандай бўлади? Ўтиб бораётган XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида мустақилликка эришган Ўзбекистон давлати учун бу саволлар шунчаки рамзий маънога эга бўлмай, балки янги-янги амалий ҳаракатларга ундовчи даъват ҳамдир. Бугун биз босиб ўтган йўлимизни чуқур мушоҳада қилиб, янги асрдаги истиқболимизнинг оқилона стратегиясини белгилаб олишимиз ўта муҳимдир.

XX аср мозийга юз тутмоқда. Бу юз йиллик инсон ақлзаковати ва салоҳиятининг, илму фан, техника ва маданиятининг буюк тараққиёти баробарида аянчли воқеалар даври ҳам бўлди. Бир эмас, икки жаҳон уруши, фашизм, ядро хавфи, оммавий сиёсий қатағонлар, диний экстремизм ва халқаро терроризм сингари мудҳиш ҳодисалар айни XX асрда пайдо бўлди. Лекин тугаб бораётган асрнинг энг муҳим интиҳоси - «совуқ уруш» даври барҳам топди. Ўзбекистон деб аталмиш Ватанимиз сингари қатор мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши шарофати билан бутун дунё қиёфаси ўзгарди.

Бундан олти юз йил муқаддам буюк соҳибқирон Амир Темур она заминимизда қудратли давлатга асос солди, унда фан, маданият юксак чўққиларга кўтарилди, миллий давлатчиликнинг янги тамойиллари қарор топди. Бу давр Ватанимиз учун туб маънодаги янги Уйғониш даври бўлди. Орадан олти юз йил ўтгач, беҳад тарихий синовларга дош берган, мустамлакачилик, тоталитар тузум азоб-уқубатларини бошидан кечирган халқимиз XX аср ҳозирасида чинакам эркинликка эришди, ўз миллий ва маданий қадриятларини тиклади, мустақил тараққиёт йўлига юз тутди. Мустақилликка эришганимиз боис мамлакатимизнинг янги тарихи бошланди.

Бугун зўр ғурур ва қониқиш билан айта оламизки, қисқа тарихий давр ичида Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлиги остида мамлакатимизда ҳуқуқий, демократик давлат, фуқаролик жамияти асослари яратилди, миллий истиқлол мафкураси шакллана бошлади. Энг муҳими, фуқароларимизнинг онги ва дунёқараши ўзгариб бормоқда. Ҳамюртларимиз мустабид тузум асоратларидан воз кечиб, ҳаётдаги ўз ўринларига янгича назар билан қарамоқдалар. Фуқароларимизнинг фаоллиги, турмушимизни қайта қуриш ва янгилаш зарурлигига, уларнинг ўз юрти истиқболига бўлган ишончи ортиб бормоқда. Кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар амалиётида «Ўзбекистон модели» деб ном олган жамият тараққиётининг янги модели пайдо бўлди. Унда инсон тўғрисида, айниқса улғайиб келаётган ёш авлод ҳақида ғамхўрлик қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб эътироф этилган. Эндиликда Ўзбекистон бутун олам учун ўз дарвозаларини очди. Ватанимиз дунё ҳамжамиятида ўзининг мустаҳкам ўрнини топди, жаҳон сиёсатида обрў-эътибор қозонди. Ҳозир Ўзбекистон олдида замонавий демократик давлатни барпо этиш ва халқаро ҳамжамиятга янада фаол уйғунлашишдек беқиёс вазифалар турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг биринчи сессиясида илгари сурган мамлакатни янада ривожлантиришнинг стратегик дастурига мувофиқ биз ички ва ташқи сиёсат, давлат қурилиши ва бошқаруви, иқтисодиёт, маънавият, суд-ҳуқуқ, хавфсизликни таъминлаш соҳаларидаги ислоҳотларга янги илҳом бахш этишимиз зарур бўлади. Ана шу кўламдор вазифаларни рўёбга чиқариш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ишончли ва мукаммал ҳуқуқий асосини яратмоғи зарур бўлади.

Азиз ватандошлар!

Биз, парламент аъзолари, комил ишонч билан айтамизки, янги аср халқимиз учун катта тарихий ғалабалар асри бўлади. Шу муносабат билан сизларни жамиятимиз ва давлатимиз ҳаётини ислоҳ қилишда бундан буён ҳам фаол иштирок этишга чақирамиз. Давлатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, ҳуқуқий фуқаролик жамияти қуриш, Ўзбекистон Республикаси халқининг гуллаб-яшнаши учун қонунчилик жараёнини муттасил ривожлантириб бориш, парламентимиз - Олий Мажлис фаолиятини такомиллаштириш зарур эканлиги шак-шубҳасиз. Қабул қилинган қонунларнинг амалга ошириш механизми тўла куч билан ишлашига, Конституциямизнинг нормалари жамият ва давлат фаолиятининг ҳақиқий асосига айланишига эришиш ўта муҳим вазифамиздир.

Мамлакатимиз иқтисодий ва сиёсий ҳаётини эркинлаштириш бўйича бошлаган ижобий ишларимизни изчил давом эттиришимиз лозим. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун энг аввало Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлашимиз зарур. Ҳозирги кунда хавфсизлик масалалари яхлит бир тушунча бўлиб, барча мамлакатлар учун ҳам бирдек долзарб муаммо эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Тинчлик, барқарорлик ва минтақавий хавфсизликка таҳдид солаётган хавф-хатарларнинг олдини олиш, унга барҳам бериш борасидаги ҳаракатларимиз Марказий Осиё мамлакатларининг салоҳиятини уйғунлаштириш ва бирлаштириш, ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш учун муҳим аҳамият касб этади.

Буюк аждодларнинг ворислари, бой тарихий қадриятларга эга бўлган кўпмиллатли Ўзбекистон халқи ўз олдига улуғ ишларни мақсад қилиб қўйишга ҳақли. Ва у беқиёс анъаналаримиз ҳамда умуминсоний қадриятларга суянган ҳолда ўзининг эзгу мақсадларига етишга қодир.

Ўзбекистон - Оллоҳ назар қилган диёр.

Янги аср мамлакат учун янгиланиш ва тараққиёт даврига айланишига ишонамиз. Шу боисдан ҳам мустақил юртимизнинг ёруғ истиқболи учун барчамиз ҳамжиҳат бўлиб курашайлик. Мақсадимиз Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги ва келажак авлоднинг бахт-саодатидир. Мамлакат тақдири, сизу бизнинг тақдиримиз фақат ўзимизга, ўз меҳнатимиз ва ақлидрокимизга боғлиқ.

Азиз дўстлар!

Бугун янги минг йиллик бўсағасида туриб, Ўзбекистон аҳолисига, Марказий Осиё халқлари ва сайёрамизнинг барча аҳлига тинчлик ва ривож тилаймиз. Ишончимиз комилки, XXI аср бутун жаҳон халқлари ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик асри бўлиб қолади. Шу пок ниятимизнинг рўёбга чиқишида Яратганнинг ўзи бизга мададкор бўлсин.

2000 йил 14 декабрда, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессиясида қабул қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилга мўлжалланган Давлат бюджети тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган, муҳокама давомида Олий Мажлис депутатлари билдирган таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда қўшимча равишда ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилга мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р қ и л а д и:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилга мўлжалланган Давлат бюджети бюджет тақчиллигининг юқори даражаси (давлат мақсадли фондларисиз) ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан 1,5 фоиз миқдорида белгиланган ҳолда маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва мамлакат хавфсизлигини таъминлаш дастурларини устувор тарзда молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратган ҳолда макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик янада мустаҳкамланишини, фаол инвестиция сиёсати ўтказилишини, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кучайтирилишини таъминласин;

давлат бюджетининг тақчиллигини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг кредитлари, давлат қимматли қоғозларини жойлаштиришдан ва давлат мулкини хусусийлаштиришдан олинадиган даромадлар жалб этилишини назарда тутсин.

3. Маҳаллий давлат ҳокимият органлари бюджетга тўловлар тўлиқ тушишини, харажатлар маҳаллий бюджетлардан ўз вақтида молиялаштирилишини ва давлат маблағларидан мақсадга мувофиқ фойдаланилиши устидан қаттиқ назорат қилинишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки 2001 йилда Давлат бюджетининг тақчиллиги ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан 0,5 фоиз доирасида қопланишини назарда тутсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
Э.ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
2000 йил 14 декабр

Мамлакатимизда изчиллик билан ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ислоҳотларнинг устувор йўналишлари - энг аввало - юрт тинчлиги ва фаровонлигини таъминлашга қаратилган. Президентимиз Ислом Каримов кўп бор таъкидлаганидек, қаердаки дўстлик, аҳиллик, биродарлик, ҳамфикрлик ва ҳамкорлик устун бўлса, ўша ерда тинчлик, хотиржамлик ҳукм суради, фаровон турмуш, интилиш, изланиш, янгиланиш бўлади, барча соҳалар бирдек тараққий топади.

Бугунги кунда серқуёш ўлкамизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир жону бир тан бўлиб

(Давоми 2-бетда).

ОРОЛБЎЙИ ХАЛҚИ МАДАНИЯТИ БАЙРАМИ

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкентда 15 декабр куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессияси давом этди.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси А.Турсунов иккинчи ўқишда киритилган «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига ҳавола қилди. Қонун лойиҳаси муҳокамасида Қарши давлат университетининг ректори Н.Ҳакимов, Хатирчи туманидаги А.Икромов номидаги агрофирма раиси Э.Қаҳҳоров, Косонсой тумани ҳокими У.Маматов, Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг масъул котиби - «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари А.Болиев иштирок этди.

Шундан сўнг Президент Ислом Каримов сўзга чиқди. Давлатимиз раҳбари барчамиз терроризмнинг мамлакатимиз хавфсизлиги учун нечоғлик катта таҳдид эканлигини чуқур ҳис этишимиз лозимлигини алоҳида таъкидлади. Терроризм кўпгина давлатларда жиддий хавфга айланиб, халқаро миқёсдаги муаммо бўлиб бормоқда. Бу ёвузликка қарши самарали кураш олиб бориш учун курашнинг янги, ноанъанавий шакллари ва усулларини ишлаб чиқиш зарур. Шунингдек, Президент ушбу жиддий хавфга етарлича баҳо берилмаслиги, унга юзаки ёндашиш жиддий сиёсий хато эканлигини қайд этди. Энг муҳими, қонунларимизда терроризм нафақат бизнинг давлатимиз, балки бутун жаҳон

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Узоқ йиллик самарали ижодий меҳнатлари билан мамлакатимизда маданият ва санъатни юксалтиришга, миллатлар ўртасидаги дўстлик ва кардошликни мустаҳкамлашга қўшаётган катта ҳиссаси ва ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга Фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби»

Зарретдинов Қурбанбай - Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат мусиқали драма театри бош дирижёри

«Ўзбекистон Республикаси халқ артисти»

Айимбетова Гулхатиша - «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмасининг Қорақалпоқ бўлими хонандаси

«Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми»

Алибеков Ислам Майбасович - Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат мусиқали драма театри бош рассоми

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист»

Сапаев Розимбай - «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмасининг Қорақалпоқ бўлими хонандаси

Кутекеева Роза Артиковна - Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат мусиқали драма театри актёри

Қорақалпоғистон халқининг маданияти ва санъатини ривожлантириш ҳамда оммалаштириш йўлидаги кўп йиллик фидокорона меҳнатлари, эришган ижодий ютуқлари, миллатлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Меҳнат шуҳрати» ордени билан

Мухаммеддинов Нажиматдин - Нукус шаҳар маданият билим юрти директори

«Дўстлик» ордени билан

Матчанов Байрам - Ўзбекистон Республикаси халқ артисти

Мурадов Байрамгелди - «Айқулаш» ансамбли директори

«Шуҳрат» медали билан

Пиржанова Дильноза Жумабаевна - «Аму тўлқини» ансамбли раққосаси

Қалимбетов Тўраниёз - «Қорақалпоқфильм» киностудияси режиссёри

Қарлибаев Абдибай - Ўзбекистон Республикаси ёзувчилар уюшмаси аъзоси, журналист

Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиғи билан

Абибов Юсип Жумабаевич - «Айқулаш» ансамбли балетмейстери

Латипов Розумбай Усманович - Тўрткўл туманидаги «Жайхун» ансамбли бадиий раҳбари

Раметова Гулбахар - Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси оркестри созандаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2000 йил 15 декабр

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Боши 1-бетда).

ҳамжамиятига хавф солувчи жиддий муаммо эканлиги ўз ифодасини топиши лозим. Биз миллий қонунчилигимизда, энг аввало «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонунда бу муҳим муаммони ҳал этиш билан боғлиқ барча масалаларни тўлиқ акс эттиришимиз зарур.

Парламент қонунни тасдиқлади.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси А.Турсунов янги таҳрирдаги «Мудофаа тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси хусусида маъруза қилди. Ушбу масала бўйича Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари К.Йўлдошев, Бўзатов тумани ҳокими А.Жуманов, «Намангангаз» бошқармаси бошлиғи З.Тожибоев, Тошкент архитектура-қурилиш институти ректори Б.Асқаров сўзга чиқди. Депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллашди.

Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси И.Кочмарик «Махсус юклар ва ҳарбий таркиблар транзити тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси юзасидан маъруза қилди. Мазкур ҳужжат муҳокамасида Сирдарё тумани ҳокими И.Эрбеков, «Ўзтемирйўлмаштаъмир» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори О.Раматов иштирок этди. Депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда тасдиқлашди.

Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси раиси И.Қаландаров «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини депутатларга тақдим этди. Мазкур қонун лойиҳаси юзасидан Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ректори М.Нормуродов, Шредер номидаги илмий-ишлаб чиқариш институтининг Фарғона филиали илмий ходими М.Раҳматов, Навоий тумани ҳокими Э.Бердиев, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев сўзга чиқди. Парламент қонунни қабул қилди.

Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси И.Кочмарик депутатларни «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси билан таништирди. Мазкур ҳужжат тўғрисидаги мулоҳазаларини «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик концерни бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари М.Абдуллаев, Хива тумани ҳокими М.Мадаминов, «Ўзбекинвест» экспорт-импорт Миллий суғурта компанияси бош директори С.Умаров билдирди. Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан тасдиқланди.

Депутатлар Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раиси М.Умаралиевнинг маърузаси бўйича Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишди.

Олий Мажлис бир қанча халқаро шартномалар ва конвенцияларни ратификация қилди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари, Олий Мажлис Кенгаши қарорларини тасдиқлади, баъзи қўмиталар таркибига ўзгартиришлар киритди.

Депутатлар котибият раҳбари А.Саъдуллаевнинг парламент номига келиб тушган аризалар тўғрисидаги ахборотини тинглашди.

Олий Мажлис ваколат муддати тугагани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судяларини сайлади. Суд раиси этиб қайтадан Б.Эшонов сайланди.

Парламент Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий Хўжалик суди таркибига ўзгартиришлар киритди.

Шу билан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўртинчи сессияси якунланди.

АЁЛЛАР МАНФААТИНИ ЎЙЛАБ

Нишонда «Оила» илмий-амалий марказининг туман бўлими иш бошлади. Унинг пухта ишлаб чиқилган дастурида қишлоқ аёлларининг ҳуқуқий ва тиббий саводхонлигини ошириш, уларни маълум бир касб-ҳунарга йўналтириш, туман хотин-қизлари ўртасидаги ишсизлик муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашиш сингари долзарб масалалар ўрин олган. Марказ ходимлари туман меҳнат бўлими билан ҳамкорликда ишламоқда. Шунингдек, марказ қошида пазандалик курси очилди. Унда ўндан ортиқ қиз-жувонлар пазандалик сирларини ўрганяпти.

(ЎзА).

ОРОЛБЎЙИ ХАЛҚИ МАДАНИЯТИ БАЙРАМИ

(Боши 1-бетда).

яшаб, меҳнат қилмоқда. Уларнинг ўзига хос миллий қадриятлари, маънавияти, санъати ва маданиятини ривожлантириш учун барча шароитлар яратилган. Бунга ўзбеклар билан асрлар оша бир дарёдан сув ичиб, қуда-анда бўлиб яшаб келаётган дўст-иноқ халқлардан бири - қорақалпоқларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётда эришаётган муваффақиятлари яққол далил бўла олади.

15 декабр куни пойтахтимиздаги Алишер Навоий номли Давлат академик катта театрида Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунларининг тантанали очилиш маросимида бу мамнуният билан таъкидланди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, қорақалпоқ халқи қадим-қадимдан, дўстлик, мардлик, муҳаббат, она Ватанга садоқат каби олижаноб туйғуларни эъзозлаб, ўзининг бетакрор қўшиқ ва достонларида улуғлаб келади. У, айниқса, ватанимиз мустақиллиги йилларида ўзлигини тўла намоён этиб, серқирра маданиятини ҳар томонлама ривожлантирмоқда.

Ҳозир мамлакатимизнинг кўпмиллатли оиласида, унинг иқтисодий ва маданий тараққиётида Оролбўйи ўлкасининг ўзига хос ўрни ва салоҳияти бор. Мана шундай гўзал санъат ва маданиятни яратган, уни асраб-авайлаб келаётган қорақалпоқ шоир ва адиблари, рассом ва бастакорлари, бошқа кўплаб атоқли санъаткорлари, ёркин истеъдод соҳиблари бугун бутун Ўзбекистонимизнинг ғурур-ифтихорига айланган.

Тантанали кечани Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов очди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг анжуман қатнашчиларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А.Мелибоев ўқиб эшиттирди.

Юртбошимизнинг Фармонига мувофиқ, узоқ йиллик самарали ижодий меҳнати билан мамлакатимизда маданият ва санъатни юксалтиришга, миллатлар ўртасидаги дўстлик ва қардошликни мустаҳкамлашга қўшаётган катта ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қорақалпоғистонлик ижодкорларидан бир гуруҳи давлатимизнинг орден, медал ва фахрий унвонлари билан мукофотланганлигини маълум қилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Т.Камолов сўзга чиқиб, азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида қорақалпоқ маданияти кунларининг ўтказилиши мамлакатимиз халқларининг миллий қадриятларини ривожлантириш, миллатлар ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлаш, қорақалпоқ халқининг маданияти ва санъати ютуқларини кенг тарғиб этишга хизмат қилишини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарига анжуман қатнашчиларига самимий табрик йўллаб, қорақалпоқ халқининг ижодкорлик ва бунёдкорлик салоҳиятига юқори баҳо берганлиги ва Оролбўйи ўлкаси ижодкорларидан бир гуруҳини Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланганлиги учун миннатдорлик изҳор этди.

«Ўзбекистон Қаҳрамони» А.Орипов ҳамда Қорақалпоғистон халқ шоири И.Юсупов дўст ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг азалий қардошлик алоқаларини янада мустаҳкамлашда шоиру адибларнинг ижоди катта аҳамиятга эга эканлигини қайд этди, тинчлик, биродарлик ва оға-иниликни мадҳ этувчи шеърлар ўқиди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э.Ҳалилов, Бош вазир Ў.Султонов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси А.Тожиев ҳамда Олий Мажлис Раисининг, Бош вазирнинг ўринбосарлари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, вилоятлар ҳокимлари иштирок этди.

Шу йилнинг 18 декабригача давом этадиган Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунларининг очилишига бағишланган тантанали маросим қорақалпоғистонлик санъат усталари ва ижодкор ёшларнинг катта концерти билан якунланди.

Ўктам ДЎСТЁР,
ЎзА мухбири.

А.ТЎРАЕВ,
А.РИСҚИЕВ (ЎзА)
олган суратлар.

«ТИЛ - МИЛЛАТ ОР-НОМУСИ»

Мамлакатимизнинг барча жойида бўлгани каби Қорақалпоғистон Республикасида ҳам «Соғлом авлод йили» дастурига биноан ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, мактабгача тарбия муассасаларида тарбияланувчиларнинг дунёқарашини шакллантириш, фикрлаш лаёқатини ва нутқ маданиятини ўстириш юзасидан қатор ишларга қўл урилди. Улардан бири Тахиатош шаҳридаги 9-болалар боғчасида «Тил - миллат ор-номуси» мавзуида ўтказилган кўрик танловдир. Унда шаҳар ва туманлардаги боғчаларнинг дастлабки босқичида ғолиб бўлган юз нафарга яқин иқтидорли тарбияланувчилари иштирок этди.

Қизиқарли беллашувларда мезбонлар - Тахиатош шаҳри болалар боғчалари ғолиб бўлди.

Иккинчи ўрин Амударё тумани вакилларига насиб этди. Хўжайли тумани, Нукус шаҳридан келган кичкинтойлар учинчи ўринга лойиқ кўрилди.

Тадбир ҳомийси - шаҳар халқ таълими бўлими касаба уюшма қўмитаси ғолибларни қимматбаҳо совғалар билан тақдирлади.

Абду РАҲМОН, «Ишонч» мухбири.

ИМТИЁЗЛАР ҚЎШИМЧА МАБЛАҒ ҲИСОБИДАН

Наманган вилояти Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитасида аъзоларни ижтимоий ҳимоялаш, қонуний ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш борасида бир мунча ишлар амалга оширилмоқда. Қўмита раиси Тоҳирахон Маризаева билан бўлган мулоқотимиз ҳам асосан шу мавзуда бўлди.

— Аввало шуни таъкидлаш жоизки, таълим ва фан соҳасида ишловчиларнинг салкам ярмини хотин-қизлар, 4,2 фоизини ўн саккиз ёшгача бўлган ўсмирлар ташкил этади. Шу боис «Соғлом авлод» дастурида кўзда тутилган ишларни фаолиятимиз учун асос қилиб олдик. Шунга асосан жамоа шартномалари ва келишувларга қўшимча бандлар киритилиб, алоҳида тадбирлар ишлаб чиқилди. 3 ёшгача фарзанди бўлган аёлларга қўшимча имтиёзлар бериш, тўрт ва ундан ортиқ боласи бор оналар иш вақтини маоши сақланган ҳолда бир соатга қисқартириш каби масалалар шулар жумласидандир. Ушбу имтиёзлар ўқув муассасаларнинг бюджетдан ташқари топилган маблағи ҳисобига амалга ошириб келинмоқда.

Мисол учун Попдаги касб-ҳунар лицейида шундай маблағ ҳисобидан болалар боғчаси барпо этилди. Ходимлар ўтказадиган турли маросимлар учун дон, ун, ёғ, гўшт маҳсулотлари берилади. Шунингдек, муҳтож кишиларга энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида моддий ёрдам кўрсатилади. Учқўрғондаги иқтисодиёт тадбиркорлик коллежида жамоа шартномасида беш йилдан ортиқ узлуксиз меҳнат фаолиятига эга ходимни мукофотлаш, ўқитувчиларнинг тўй маъракаларига ёрдамлашиш ва беш кунгача пуллик меҳнат таътили қўшиб бериш каби масалалар ўз ифодасини топган.

Муҳандислик-педагогика институтида қўшимча маблағлар ҳисобидан профессор-ўқитувчиларнинг ойлик маошларига 40 фоиздан 100 фоизгача, бошқа тоифадаги ходимларнинг ҳақларига 20 фоиздан 50 фоизгача устама ҳақ тўланмоқда. Кам таъминланган ўқитувчи ва хизматчиларнинг 30 нафар фарзандига нафақа олийгоҳ ҳисобидан берилаётир.

Ҳуқуқий тарбия, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида ҳам кенг миқёсда ишлар олиб борилаётир. Жумладан, Янгиқўрғон, Тўрақўрғон туманларида ҳамда Наманган шаҳрида муассаса раҳбарлари, касаба уюшма фаоллари билан ҳуқуқ ва кафолатлар мавзуида суҳбатлар, Учқўрғон, Поп, Уйчи, Чортоқ ва Норин туманларида ёшларга, ногиронларга ҳамда аёлларга берилган имтиёзлар юзасидан ўқишлар ўтказилди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жамоатчилик вакиллари фаолиятини яхшилаш, иш шароити ноқулай бўлган аёлларга енгилликлар яратиш, уларга қўшимча таътил бериш, тиббий кўрикдан ўтказиш, махсус кийим-бош билан таъминлаш каби масалалар ҳам жамоа шартномаларига киритилиб, уларнинг бажарилиши назоратга олинган. Хусусан, ушбу ҳуқуқий ҳужжатда 12 ёшгача боласи бор, икки ва ундан кўп фарзанди ёки 16 ёшгача ногирон фарзанди бўлган аёллар ҳар йили камида 3 иш куни, бошқалар ўз ҳисобидан икки ҳафта қўшимча таътил олиши мумкинлиги кўзда тутилган. Жумладан, муассасаларда муддат тугамасдан ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда қонун асосида товон пули тўлаш, иш билан таъминлаш, иш ўринлари қисқаришида тегишли қонунларга риоя этиш каби масалалар ҳам доимий назоратда.

Ўтган давр мобайнида бюджетдан ташқари тушган маблағлар ҳисобидан 7 та муассасада 27 нафар аёлга ҳомиладорликнинг беш ойидан бошлаб таътилга чиқиш, 43 нафар тўрт ва ундан кўп боласи бор оналарнинг ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтасини бир соатга қисқартириш амалда тадбиқ этилди. Шунингдек, ҳомий ташкилотлар ва касаба уюшма қўмиталари ҳисобидан кам таъминланган 3613 кишига 8,3 миллион сўм сарфланди.

Оналар ва болаларни ижтимоий ҳимоялаш, уларга ғамхўрлик кўрсатишга эътиборни янада кўчайтирамиз.

Суҳбатдош: Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

Ислоҳот инсон учун

Нуротадаги Аминжон Баротов номли масъулияти чекланган жамиятда пахтани қайта ишлайдиган жиҳозлар ўрнатилди. Натижада линт бевосита корхонанинг ўзида қайта ишланмоқда. Яқин орада эса Россиядан замонавий ускуналар келтирилиб пахта толасидан экспортбоп материаллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Ҳозир бу ерда 100 нафардан ортиқ хотин-қиз кўрпа, чойшаб, пахталик кийим-кечак, ишчи коржомалари, қўлқоплар тикиш билан шуғулланмоқда.

ГИЛАМЧИЛИК ЦЕХИДА

— Харидорлар эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда ишни ташкил этганмиз, - дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Очил Раҳмонов. — Корхонага қатнаб ишловчи аёлларга тўлиқ шароит яратиб берилган. Уйда иш бажарувчи аёллар билан ҳам шартнома тузилган. Ойлик, мукофот пуллари вақтида тўланмоқда. Назира Қудратова, Мавжуда Соибова, Шаҳодат Самиева, Руқия Ҳотамовалар кўп ва сифатли маҳсулот тайёрлаганликлари учун корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасининг мукофоти билан тақдирланишди. Жамоада ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳам доимий эътиборда.

Корхонада эндиликда нафақат пахта, балки жунни ҳам қайта ишлаш ва ундан кийимлик тўқиш ҳам йўлга қўйилди. Шунингдек, яқинда ташкил этилган гиламчилик цехида 20 та янги иш ўринлари яратилди. Тўқувчилар Нуротанинг қадимий гиламчилик шуҳратини тиклашни ният қилишган.

Ялғош САРИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

ИЖТИМОИЙ КЎНИКМА МАРКАЗИ

янги ҳаётга йўл очмоқда

Тўртинчи йилдирки, ҳукуматимиз қарорига биноан Жиззах вилоят ҳокимлиги қошида ҳам «Ижтимоий кўникма маркази» фаолият юритиб келмоқда. Унинг асосий вазифаси жазо муддатини ўтаб қайтган фуқароларга ижтимоий-иқтисодий кўмак бериш, уларнинг ҳаётда ўз ўрниларини топиб олишларида амалий ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Ва, айтиш лозимки, бу йўналишда муайян ишлар амалга оширилди.

Орзу-ниятларга ҳеч қачон осонлик билан эришилмайди. Буни яхши англаган ҳолда янги аср остонасига қадам қўяр эканмиз, ҳар қандай тараққиёт учун гаров бўлмиш тинчлик, осойишталик, тотув ҳаётнинг асосларини, мустақиллигимизни бор имконимиз билан асраб-авайлашимиз лозимлигини бир сония бўлсин унутишга ҳаққимиз йўқ.

Миннатдорчилик ила кузатиб қолаётган XX асрнинг улуғ неъматларидан ташқари бир умрга эсимиздан чиқмайдиган, халқимиз учун ғоят қимматга тушган ачиқ сабоқлари ҳам бор. Худди шу сабоқлардан хулоса чиқариб, ёшларимизни ёмон кўздан, ярамас оқимлардан асраб-авайлаш, уларни жонажон Ватанимизга садоқатли, эътиқодли, баркамол инсонлар этиб тарбиялаш энг муҳим, энг долзарб вазифа бўлиб қолаверади. Мақсадга эришишда маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги Ижтимоий кўникма Марказлари, маҳаллалар фаолларининг роли катта бўлмоқда.

Қуйида Жиззах вилоятидан тайёрланган чиқишларда шулар ҳақида атрофлича ҳикоя қилинади.

Жорий йилнинг 11 ойида Марказга 558 киши мурожаат этди. Уларга 2 миллион 979 минг сўмлик нафақа пули берилди. Бундан ташқари, вилоят молия бошқармаси томонидан яна 3 миллион сўм қўшимча мадад пули ажратилди.

Президентимизнинг амнистия тўғрисидаги Фармонига биноан озод этилган собиқ маҳкумлар Марказ ходимларининг ҳамиша диққат-эътиборида. Бунда туманлардаги 13 та ҳамда шаҳардаги 1 та таянч марказнинг роли алоҳида бўлмоқда. Ҳокимликлар, ички ишлар бўлими ходимлари, маҳалла фаоллари, кенг жамоатчиликка таянган ҳолда олиб борилаётган изчил фаолият ўз самарасини бермоқда. Арнасой, Ғаллаорол, Зомин ҳамда Фориш туманларида бу борада яхшигина тажриба тўпланди. Мазкур туманларда ҳокимликлар қарори асосида квотали иш ўринлари белгиланган. Бу муҳим ишни муддатида ҳал этиш учун имкон очмоқда.

Вилоят бўйича 425 та квотали иш ўринлари мавжуд бўлиб, бу борада корхона, ташкилот ва муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бораяпти. Тажрибасизлиги, эътиқодининг сустлиги оқибатида йўлдан адашган кимсаларни тўғри йўлга солиш, қалбида Ватанга, халқига чуқур меҳру муҳаббат уйғотиш мумкинлигини биз ўз фаолиятимиз мисолида кўриб турибмиз. Шу боис, марказимиз томонидан жорий йилда ишга жойлаштирилган 268 кишининг кўпчилиги хатоларини тўғри тушуниб, халқ таъбири билан айтганда, «мулла» бўлиб, ҳалол меҳнат қилишга тутинганлигидан хурсандмиз.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлиснинг тўртинчи сессиясидаги оташин сўзини тўлқинланиб, бутун вужудимиз билан тингладик. Бу сўзлар ҳар биримизга алоҳида қаратилган. Шундай юртда яшаётганимиздан фахрланиб кетдим. Шахсан ўзим мустақил Ўзбекистон учун янги мингйилликка қадам қўйишдек тарихий ҳодисанинг нақадар муҳимлигини теран англадим. Чинданам, ўринли савол ўртага ташланди: янги асрга қадам қўяётганда биз нимага суянамиз, нимадан куч оламиз? Албатта, энг аввало буюк аждодларимизнинг буюк меросидан, одамларимиз вужудини қамраган ғурурдан! Ўта муҳим ишга дахлдор эканлигимдан қувониб кетдим беихтиёр. Агар келажакда — XXI асрнинг биринчи йилида йўлдан адашган бирон кимса менга юзланиб: раҳмат, давлатимиз ёрдамида, ижтимоий кўникма маркази саъй-ҳаракати ила янгича ҳаётга қайтдик. Маҳалла-кўй олдида юзимиз ёруғ бўлди деса, бу биз учун энг катта эътирофдир.

И.НАҚОЛБОЕВ,
Жиззах вилоят ҳокимлиги қошидаги ижтимоий кўникма маркази раҳбари.

МАҲАЛЛАДАГИ НОТАНИШ КИМ?

Огоҳлик

Маҳалламиз Жиззах шаҳридаги энг йирик турар-жой масканларидан бири ҳисобланади. Бу ерда 4300 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилмоқда. Улар орасида яхшиси ҳам, ёмони ҳам бор. Биров гапга тушунади, кимдир тушунмаганга олади ўзини. Шу боис ҳам Фуқаролар йиғини кенгаши олдида катта юмушлар турибди, имкон қадар одамларни огоҳу ҳушёрликка даъват этиб, осойишта ҳаётни, ҳамкору ҳамжиҳатликни таъминлашга ҳаракат қилиб келмоқда. Ўз ҳудудимизда яшаётган кишилар ким, улар нима билан шуғулланади, алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган фуқаролар хусусида муайян тасаввурга эгамиз. Маҳалламизда бирон нотаниш кўриндими, дарров сўраб-суриштирамиз. Ёки бирон кимса ножўя хатти-ҳаракат қилаётганини сезсак кўплашиб уни тартибга чақирамиз, юриш-туришини назоратга оламиз.

Ёшлар ўртасида суҳбатлар, савол-жавоблар уюштириш одат тусига кирган. Шаҳар ҳокимлиги вакиллари, ички ишлар бўлими ҳамда прокуратура ходимларининг чиқишлари ўз самарасини бераяпти. Участка нозири, милиция майори Қосим Абдуллаев бизнинг ишонган тоғимиз. У кўп қаватли турар-жойларда истиқомат қилаётган фуқароларнинг аксариятини яхши танийди. Яқинда унинг таклифи билан Фурқат ва Бобур кўчалари аҳолиси ўртасида «Ўз уйимизни ўзимиз асрайлик», «Маҳалладаги нотаниш ким?» мавзуларида суҳбатлар бўлиб ўтди. Унда нуронийлар сўз олиб, бекор юрган ёшларни муқим иш билан таъминлаш масаласини кўндаланг қўйдилар. Хайрият, ҳудудимиздаги хусусий ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари саъй-ҳаракатларимизни дарҳол қўллаб-қувватлашди, натижада қарийб юзта янги иш ўринлари яратилди. Демак, қанчадан-қанча ёшлар касб-корга эга бўлдилар.

Ҳа, ҳамма нарса ўзимизга, ҳамжиҳатлигимизга, шу муқаддас она заминимиз олдидаги бурчимизни виждонан бажаришимизга боғлиқ. Шундагина улуғ мақсадларга бемалол эришамиз.

Н.ЭШОНҚУЛОВ,
Жиззах шаҳридаги «Тошлоқ» маҳалла оқсоқоли.

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ АРАЛАШУВИ БИЛАН

Катта карвоннинг ташвиши ҳам катта бўлади, деб бежиз айтишмас экан. Маҳалламизда 8 мингдан ортиқ аҳоли бор. Бизни ўйлантираётган муаммолардан бири, баъзи ёшларимизнинг бекор юрганлигидир. Бозор шароитида айрим корхоналар инқирозга юз тутиши, ишлаб чиқариш жараёнларининг қисқариши кутилган ҳол. Масалан, ҳудудимиздаги ип йигирув фабрикаси, қатор устахоналарда иш ўринлари қисқарди. Шунда тегишли идора ва ташкилотлар билан бамаслаҳат иш юритиб, одамлар мушкулини осон этишга ҳаракат қилдик. Натижада мингга яқин киши муқим ишли бўлди. 45 киши ишсизлик нафақаси олаяпти.

Эзгу мақсад йўлида бир янгиликка қўл урдик. 21 киши маҳалладаги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига жалб этилди. Пахта йиғимтерими даврида 460 фуқарони хўжаликларга ёрдамга ўтказдик. Натижаси чакки бўлмади. Кўпгина оилалар ҳалол меҳнат қилиб, мўмай даромад олишга эришдилар. Астойдил изланса, ҳар қандай ишнинг уддасидан чиқиш мумкин экан. Маҳалла гузари атрофида 24 гектар майдондаги боғ вилоят ўрмон хўжалигига қарашли эди. Жиззахдаги «Кўтарма» маҳалла фуқаролар йиғини вакилларининг аралашуви билан ана шу боғ 87 оилага шартнома асосида ижарага берилди. Бундан одамларга ҳам, давлатга ҳам катта фойда бўлмоқда.

Э.ЖЎРАБОЕВ,
меҳнат фахрийси.

Кўпга суянган киши асло кам бўлмайди. Бироқ... Ёшлик қилиб ёки адашиб ўзини суднинг қора курсисида кўрган кимсалар ҳам йўқ эмас. Уларга ёрдам бериш, ўрни келганда қўллаб-қувватлаш барчанинг инсоний бурчидир.

ЖАМОАТЧИЛИК – КАТТА КУЧ

Биз жазони ўташ жойларидан ўз гўшаларига қайтиб келган шахсларга алоҳида эътибор қаратганмиз. Биринчи навбатда, уларни иш билан таъминлаш зарур. Ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, баъзи корхона, ташкилотларнинг раҳбарлари бундай кишиларни ишга олишни хоҳлашмайди. Ўзимга ортиқча ташвиш орттириб нима қиламан, деган фикрга боришади. Хўп, улар қаёққа боришсин? Шундай пайтларда муаммони ҳал этишда марказимиз ўрни алоҳида бўляпти, десам муболаға эмас. Жорий йилда ҳокимлик томонидан 53 та квоталанган иш ўринлари ажратилди. Айнан марказимизнинг аралашуви билан 47 киши ўзи хоҳлаган ишга жойлаштирилди. Бугунги кунда Н.Холжигитов, С.Зокиров, Н.Абдусатторов, Х.Абдуллаев сингари фуқаролар ҳаётда ўз ўрниларини, ўз бахтларини топганларидан бағоят хурсандмиз.

А.БАРАТОВА,
Ғаллаорол тумани ҳокимлиги қошидаги ижтимоий кўникма маркази раҳбари.

ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ, БУРЧИНГИЗНИ-ЧИ?

Жиззах вилоят Марказий кутубхонасида истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш «Улуғбек» жамғармаси шўъбаси, Жиззах «Агротадбиркорлик» коллежи талабалари билан ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Унда вилоят прокуратураси масъул ходими Ш.Ашурова, тажрибали педагог Ж.Ғофуровлар «Ёшлар ва ҳуқуқ» мавзуида маърузалар қилдилар. Учрашув баҳс-мунозарага бой бўлди. Айниқса, коллеж талабалари ярамас оқимлар таъсирига берилган айрим иродаси суст ёшларни қаттиқ қораладилар. Тенгдошларини, барча фуқароларни огоҳ бўлишга чақирдилар.

Мутахассислар кўпчиликни қизиқтирган ҳуқуқий мавзудаги саволларга атрофлича жавоб беришди.

М.КАМОЛОВА,
вилоят Марказий кутубхонаси директорининг ўринбосари.

Ҳукм ўқилди

Инсон борки, бирон-бир мақсад ила яшайди. Ҳар куни тонг билан ишга борарканман, одамларга синчков назар ташлайман. Уларнинг гўзал ички дунёси, ишончи жуда катта куч эканлигини юракдан ҳис қиламан. Шукрки, биз буюк халқ фарзандларимиз. Бу ёруғ жаҳонда ҳеч кимдан кам эмасмиз.

КЎРНАМАК

Зўр орзу-ниятлар билан XXI асрни қарши оларканмиз, қалбимда хурсандчилик билан бир қаторда баъзи оғриқлар ҳам юз кўрсатади. Шу гўзал ҳаётни, мустақиллик берган имкониятларни, демакки, жондан азиз она Ватанини қадрлай олмаётган кўрнамаклар ҳам, афсуски, орамизда йўқ эмас. Жиззахлик Маъруф Эшонов ана шундай бахти қаролардан бири бўлиб чиқди. У худбинлиги, ўзининг чиркин хом-хаёллари оқибатида ярамас оқимлар таъсирига тушиб қолди. Тушиб қолдигина эмас, муайян вақт мобайнида одамлар, айниқса ёшлар онгини заҳарловчи варақалар тарқатиш билан шуғулланди. Бироқ, бузоқнинг югургани сомонхонагача деганларидек, М.Эшонов ҳамтовоқлари билан бирга жиноят устида қўлга олинди.

Таажжубга соладиган томони шундаки, судда гувоҳ сифатида иштирок этган айбланувчиларнинг ота-оналари ўзларини гўё ҳеч нарса билмагандек тутишди. Ноқаерларда ўтказаётгани билан қизиқмадим...

Жиноятга жазо муқаррар. Суд адолатли ҳукм чиқарди. Қора ниятни дилига туккан М.Эшонов ва унинг шериклари узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилдилар.

Демак, тинч, осуда ҳаётни, мустақиллигимизни ҳар сония ҳимоя қила билишимиз керак. Ҳали ҳаётда бизга ёмон кўз билан тикилиб турган ғанимлар борлигини унутмайлик. Бир тану бир жон бўлиб, буюк мақсадлар сари дадил интилайлик.

Н.БОБОЖОНОВ,
вилоят судининг судьяси.

МУҲТОЖ ОИЛАЛАРГА РАМАЗОН ТУҲФАЛАРИ

Жиззах вилоятида истиқомат қилаётган 140 нафар ижтимоий муҳофазага муҳтож, кам таъминланган оилаларга мамлакат Президенти номидан Рамазон туҳфалари улашилди. Бу хайрли ишга вилоят ҳокимлиги қошида ташкил этилган ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни йўқлаш комиссияси етакчилик қилди.

- Уч йилдан буён оғир бетобман, - дейди Бахмал туманидаги «Тараққиёт» ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи Дўстмурод Нуралиев. - Сизлар йўқлаб келгач, кўнглим тоғдек кўтарилди, дардим анча енгиллашди. Илоҳим, нуронийларни сийлаган, уларнинг иззат-ҳурматини жойига қўяётган муҳтарам Президентимиз омон бўлсин!

Дўстлик туманида истиқомат қилувчи Қулашой она Бидалова ўз қувончини шундай изҳор қилди:

- 103 ёшга кирдим. Аммо бундай юксак меҳр-оқибат кўрмаганман. Оналари улуғланган юрт албатта буюк бўлади. Мамлакатимиз раҳнамосининг биз, қарияларга кўрсатаётган мурувватидан беҳад мамнунмиз, Президентимиз бизга бирни берган бўлса, у кишига Аллоҳ мингни берсин!

Саҳифа мақолаларини тайёрловчи:
Абдуманнон АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири.

АТТЕСТАЦИЯ - БИЛИМ СИНОВИ

Жиззахда таълим муассасаларининг давлат аттестациясини ташкил қилиш ва ўтказиш масалаларига бағишланган вилоят семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Унда Давлат тест маркази кадрлар сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармасининг бош эксперти С.Абдуллаева тингловчиларни аттестация Низоми билан таништирди.

Йиғилиш қатнашчилари ўзаро фикр алмашувларда таълим муассасалари аттестацияси таълим-тарбияга замон талабига мос янгича ёндашувлар, ташаббус ва изланиш, билим ва маҳорат синови эканлигини таъкидлаб, унга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўриш лозимлигига эътиборни қаратди.

(ЎзА).

TV дастури

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 18

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45, 17.55 ТВ-маркет
8.50 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Дўппи».
9.00 «Мусиқий учрашувлар». Қашқадарё вилояти меҳнаткашлари ҳузурида.
9.25, 12.35 ТВ-метео
9.30 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.25 «Таня ва икки мушкетёр». Бадиий фильм.
11.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
12.05 «Соғлом авлод - бу бизнинг келажагимиз».
12.40 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
13.00 «Оталар чойхонаси». Мусиқий-дам олиш дастури.
13.45 ТВ-анонс.
14.10 «Ихлос».
14.30 «Мовий тоғлар ёки ҳақиқатдан узоқ воқеа». Бадиий фильм.
16.00 «Қонун ҳимоясида».
16.20 «Аёл дунёни тебратар». Бадиий-публицистик кўрсатув.
16.40 «Рамазон ойингиз муборак!»
17.05 «Қалбга яқин қўшиқлар». Концерт.
17.35 «Шоирлар болаларга».
18.10 ТВ-патруль.
18.20 Мусиқа бекати.
18.30 «Тафсилот».
18.45 ТВ-клип.
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Тошкент шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси маданият кунларининг ёпилиши ва санъат усталари концерти.
22.30 «Буюк аждодларимиз». Мотуридий.
22.50 «Футбол шарҳи».
23.05 «Ахборот».
23.40 «Маънавият» дастури.
00.15 «Аршин мол-олон». Бадиий фильм.
1.35-1.40 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр тонги».
10.00 «Янги авлод» почтаси, «Уй вазифаси», «Мультфомоша».
10.35 «Манзур».
10.55, 12.05, 16.10 «Мусиқий лаҳзалар».
11.00 «Давр». Ҳафта ичида.
11.40 «Рей Брэдбери театри». Телесериал. 41-қисм.
12.15 «Автосалтанат».
12.25 «Муҳаббат навоси». Спектакль. 1-қисм.
13.40 «Ёшлар ва маънавият».
13.55 «Олтин мерос».
14.00 «Сангам». Бадиий фильм. 4-қисм.
14.45 Қорақалпоғистон Республикаси маданият кунлари. «Янги авлод» студияси Нукус шаҳрида.
15.15 «Одил сўз».
15.30 «Шалаш оиласи». Телесериал. 5-қисм.
16.25 «Жаҳон жуғрофияси: «Серенгети солномаси».
17.15 Кўрсатувлар дастури.
17.20 «Янги авлод» студияси: «Алифбе байрами», «Мультфомоша».
17.55 «Мусиқий лаҳзалар».
18.05 «Истеъдод-2000». Ҳаваскорлар телевизион танлови.
18.25 «Жараён».
18.45 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 «Қишлоқдаги тенгдошим».
19.55 «Олтин мерос».
20.00 «Ёшлар овози».
20.20, 21.20, 22.30 Эълонлар
20.25 «Қуёши ботмайдиган юрт». Видеофильм. 1-қисм.
21.25 «Бир пиёла чой устида».
21.45 «Ёшлик наволари».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва Эколаш.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.
1.10-1.15 «Хайрли тун».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00, 20.00, 23.05 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.25 ТТВда сериал: «Қорадур доналари».
19.10, 20.25 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
21.10 «Омад» тележурнали.
21.30 «Авто-news».
21.45 «Экспресс» телегазетаси.
22.00 «Эҳтиром ила».
22.20 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
23.30 Оҳанглар ва эълонлар.
23.35 Кинонигоҳ. «Кўрсатув тайёрлаш машаққатлари».
1.10-1.15 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 7.00-9.00
*
15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Мультчархпалак».
16.25 «Клип-антракт».
16.30 «Вести».
16.55 «Бобил минораси». Телесериал.
18.00 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.10 CFI тақдим этади. «Байрамлар юрти». Ҳужжатли фильм.
18.35 «Х-Спорт».
*
18.45 «Мени кутгил».
19.40 «Жадаллаштирилган ёрдам-2». Сериал.
20.15 Е. Моргуновнинг «Казаклар йиғлаганда» комедияси.
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
*
21.40 «Бизнес-ревю».
21.50 «Муҳаббат тарихи». Сериал.
22.35 «Арманистон ҳақида этюдлар».
22.55 «Клип-антракт».
23.00 Кинематограф. «Амазонка». Бадиий фильм.
00.25 «Ахборот» (рус тилида)
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин».

ХОРИЖГА СОТИЛМАГАН ИХТИРО

Диққат, янгилик!

Биз спортнинг жуда кўп турларини биламиз: кикбоксин, теннис, кураш... Таништирмоқчи бўлганимиз янги, ҳам айрим спорт ўйинлари, хусусан, футбол ва билльярдга жуда ўхшаб кетади. «Билбол» деб номланган мазкур кашфиётнинг яратилиши, унинг қонун-қоидалари, аҳамияти хусусида унинг муаллифи ихтирочи-муҳандис, иқтисодчи Қудрат Назаров билан сухбатлашдик.

— Қудрат ака, аввало «Билбол» ўйини, унинг биз билган спорт турларига нисбатан ўхшаш ва фарқли жиҳатлари тўғрисида маълумот бермсангиз?

— Номидан ҳам кўриниб турибдики, ушбу ихтиро икки спорт тури, футбол ва билльярд замирида яратилган. Уни «билфутбол» деб ҳам аташ мумкин. Унча мураккаб бўлмаган мазкур янги ўйин мактаб ёшигача бўлган болалардан тортиб, ёши ва жинсидан қатъий назар барчага мўлжалланган. «Билбол» футболчиларнинг аниқ тўп киритишлари-ю, билльярдчиларнинг берилиб, қизиқиш билан нишонга олишларини ўзида жамлаган.

Оддий қилиб айтганда, у билльярд ўйинининг катталаштирилган ҳолатда ерга кўчирилишидир. Фақат бунда соққа тошлар ўрнига тўплар қўйилиб, оёқларда тепиб ўйналади.

— Ўйинни ташкил этиш учун қандай шарт-шароитлар зарур?

— «Билбол» учун катта жой талаб қилмайдиган йиғма ёки доимий ҳолатда турувчи, йиғиш ёки қайта қуришга кўп вақт кетмайдиган махсус қурилма зарур бўлади. Унинг ўлчами шуғулланувчиларнинг ёшига қараб ҳар хил бўлиши мумкин:

— боғча ёшидаги болалар учун майдончанинг узунлиги 5 м, эни 2,5 м, луза (тўр ёки ғиштли деворча)нинг баландлиги 30 см;

— 7 ёшли ва ундан катта болалар учун майдончанинг узунлиги 8 м, эни 4 м, лузанинг баландлиги 35 см;

— 10 ёшли ва ундан катталар учун эса майдончанинг узунлиги 10 м, эни 5 м, лузанинг баландлиги 40 см.

Ўйин вақтида ҳар бир ёшга мўлжалланган махсус коптоклардан фойдаланилади. Эътиборлиси, таг қисми бўлмаган ушбу қурилмани текис асфальт ёки бетон қопламаси, кўм-кўк майсали ё текис қотирилган қуруқ ерга ҳам ўрнатиш мумкин. Шунингдек, об-ҳаво ўзгаришига қараб ўйинни залларда ленолиум, ковралон ёки палос материллари тўшалган майдончаларга ҳам жойлаштирса бўлади.





«Билбол» икки киши ёки жамоа бўлиб ўйналади. Бу ўйиннинг асл моҳияти шундаки, у мустақил фикр юритиш билан бирга ёшларни жисмонан бақувват, соғлом бўлишларини ҳам таъминлайди.

— Янги спорт турининг қандай қоидалари мавжуд?

— Мусобақа олдидан ўйинни ким биринчи бўлиб бошлаши қуръа ташлаш орқали аниқланади. Бошловчи иштирокчи майдончанинг ўртасида учбурчак шаклда териб қўйилган 10 та тўпга бир ярим-икки метрлар чамаси узоқликда қўйилган 11-тўпни тепиб, қолганларини тарқатади. Ўйинчиларнинг кейинги ҳаракатлари билльярддаги сингари давом эттирилади, барча эътибор мавжуд коптокларни 6 та лузага туширишга қаратилади. Қатнашувчи тўпни лузага киритса, ўйинни давом эттиради. Мабодо тепган тўплари майдон ташқарисига чиқиб кетса, ўйинчи копток тепиш навбатини рақибига беради. Баҳс иштирокчилардан бири 10 очко тўплагунига қадар давом этади.

— Ўйинни жойларда ташкил этишнинг қулай томонлари ҳақида ҳам икки оғиз гапирсангиз?

— Бу турни кенг кўламда спорт майдончалари, мактаб, болалар боғчалари, шифохоналар ҳовлилари, маданий дам олиш масканларида ташкил этса бўлади. Ўйин қурилмасини шароитдан келиб чиқиб, ёғоч, пластмасса, бетон, ғишт ёки қувур каби ашёлардан тайёрлаш мумкин.

— Мазкур янги ўйинни оммалаштириш, ташкиллаштириш қандай кечмоқда?

— Биласизми, ҳозир ҳамма нарса маблағ масаласига бориб тақалгани учун бироз қийинчиликлар туғилмоқда. Аммо, шунга қарамай кўпгина йирик корхона, ташкилот ва муассасалар ушбу янгиликни илиқ қарши олаётганлиги кўнглимни кўтармоқда. Айни вақтгача бир неча мактаб, боғча, санаторийларда «Билбол» билан таништирув тадбирлари ўтказдик. Қувонганим, у халқимизга ҳам хуш келиб турибди.

— Келгусида қандай режаларингиз бор?

— Очиғи, бу ўйин учун кўп йиллардан бери йўл очишга уриниб келаман. Ҳатто устимдан кулганлар ҳам бўлган. Истиқлол боис ниятим амалга ошди — «Билбол»ни яратдим. Аммо барибир ихтиро-ни тасдиқлатиш қийин кечди. Ана шу пайтда ихтиродан хабар топган хорижлик бир неча тадбиркорлар «Билбол» эвазига катта миқдорда пул таклиф этишди, ҳам. Аммо, бу таклифларга кўнмадим. Ягона ниятим ушбу янги ўйинни ўз юртимда оммалаштириб, халқаро нуфузга олиб чиқиш.

Суҳбатдош: Эркин ХОЛБОБОЕВ.

P.S. Янги ўйин Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Республика Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган. Республика таълим маркази қошидаги жисмоний тарбия ва ЧЁТ (чақириққа ёшлар тайёргарлиги) бўлими илмий-услубий кенгашининг 2000 йил 10 мартдаги 11/2-сонли қарори асосида нашрга тавсия этилган.

Ижод гулшани

МАНГУ БЎЛСИН БУ ЁРУҒ ОЛАМ

Нола қилар сенга субҳидам,
Қариялар, ҳатто ёшлар ҳам.
Мангу бўлсин бу ёруғ олам,
Паноҳингда асра ўзбекни!
Ўзинг сақла бало-кулфатдан,
Дилдан юлиб ташлагин кекни.
Ўзинг сақла номард улфатдан,
Паноҳингда асра ўзбекни!
Юртбошингга бўлгин мададкор,
Дилга фақат яхшилик эккин.
Толе сўраб ёлвордим такрор,
Паноҳингда асра ўзбекни!

ТИЛАК

Яратганнинг қудратини ўзинг кўр,
Порлади қуёшим нурини тўкиб.
Ниҳоят Ватаним бошини мағрур
Кўтарди, ёғийлар қаддини букиб.

Бобом башорати вожибдир бу кун,
Ҳақиқат денгизи энди жўш урди.
Истиқлол, эркинлик ҳар недан устун,
Халқим истиқболга юзини бурди.

Ниҳоят қарорин топиб адолат,
Номларин оқламиш буюк аждодлар.
Буткул даф этилиб ноҳақ разолат,
Тугамиш нолалар, фиғон ҳам додлар.

Сени тан олмишдир жумлаи жаҳон
Эл-юртим бахтли бўл, бўл ҳар дам омон.
Фидокор фарзандлар бордур бошингда,
Ишонгил, топмайсан завол ҳеч қачон.

Дилфуза МАЛЛАЕВА.



«40»НИНГ СИРИ

40 рақами қадимда Шарқ халқлари орасида муқаддас бир ҳодиса сифатида кенг тарқалган. Чақалоқнинг туғилиш ёки дафн маросими билан боғлиқ удумларда бу рақамга алоҳида аҳамият берилади.

Янги фарзанд кўрган аёл 40 кун чиллалик даврини ўтаган. Аслида тожикча «Чилла»— қирқ демакдир. Иримларга биноан, чиллада онаболани қирқ кунгача ҳеч қаерга чиқмаган, фарзандини ҳеч кимга кўрсатмаган.

Келинчак чилласи деган гаплар ҳам аслида ана шу сирли 40 рақами билан боғлиқ. Тўйдан кейин 40 кун давомида келин уйда ёлғиз қолдирилмаган.

«Чилла» сўзи, шунингдек, ўзбек ва тожик тилларида ёз ва қиш фаслларининг энг иссиқ ёки энг совуқ 40 кунлик муддатини ҳам билдиради.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

Кишининг энг лаззатли ва ҳалол таоми ўз касби билан топган ризқидандир.

Қинғир ишнинг қийиғи

НОСҚОВОҒИДАН АЖРАГАН «НОСФУРУШ»

— Мана бу «аканг қарағай» сенга ва менга ўхшаганларни қуёш чиқиб ботгунича бойвачча қилиб элга танитиб кўяди. Фақат эплаб у «ёққа» обориб берсанг бўлгани. Укдинг-ми?!...

— Лекин жуда қўрқиб кетаяпман, Маҳмуджон!...

— Дунёда пул, молу давлатдан юз ўгирган кишини кўрмаганман. Бўлганми, ё?!... Азалдан дунё шундай яралган. Бойишнинг энг осон йўли шу.

Мансурбек ақли етиб турса ҳам, ҳаёлида қанот қоқиб учмоққа бошлаган ўзгача ҳаёт лаззатидан эриб, қайталаб сўзлади:

— Мен-ку, розиман. Лекин яна билмадим, мендан «норкобизнес» чиқармикин?

— Нега чиқмас экан! Мана шу 300 грамм «гашиш»ни Москвага обориб, тақдирингни бир синаб кўр-чи?! Кейинги «ходка»ларга ўзинг талабгор бўлиб борасан.

Мансурбек буларни худди тушида кўраётгандек суҳбатдошининг оғзига тикилганча ўтирарди.

— Шунча гаплашиб олдик, етар. Энди сафарга отлан, — Маҳмуджоннинг сўзлари буйруқомуз кескин эшитилди. «Баклашка» топ! Ҳозир ҳаммасини қўлбола қилиб жойлаб бераман. Бирорта «йўлтўсар» хизматчи сезмайди. Мана, ҳидлаб кўрчи!... «Гашиш»нинг ҳиди билан носнинг кўриниши-ю, ҳиди ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Энг муҳими, иккисиям рангдош. Бу замонда топқир бўлмасанг...

223-сонли Душанбе-Москва йўналиши билан йўлга чиққан тезюрар поезд «Сариосиё» темир йўл бекатида бир соат туриб қолди. Одатга кўра вагонлардаги йўловчилар божхона хизматчилари назоратидан ўтказилади. Сўнг...

Божхона инспектор назоратчилари вагонларга бўлиниб кетишди. Тўртинчи вагонни кўздан кечириш смена бошлиғи, капитан Тилло Эшматовнинг ўзига қолди.

У купелардаги йўловчиларни синчков назоратдан ўтказар экан, назарида бешинчи купеда ўтирган йигит негадир безовталанаётгандек туюлди. У томон яқин борди.

— Йўл бўлсин, оғайни?...

— Москвага.

— Ишгами ёки тижоратга?

— Борайлик-чи, кўрамиз-да...

— Қани, тўрвани очинг-чи. Нима бор ичида?

— Ўртоқ командир, ҳозиргина кўриб ўтдингиз-ку.

— Кўнгилга малол олманг. Хизматчилик.

Мансурбек истар-истамас сумкасини очди. Нос тўлдирилган иккита бир ярим литр сиғимли пластмасса идиш, яна майда-чуйда нарса — йўл ҳозирликлари.

— Чекишгами, ё сотишга?... — сўради назоратчи.

— Битта-яримта сўраса, йўқ демаймиз. Ўзим тайёрлаганман. Қўлболаси...

Назоратчи идишнинг оғзини очиб ҳидлади. Зў-ўр нослиги билиниб турарди. Идишнинг қопқоғини қайтариб тўрвага солди.

— Айтганингизча бор экан. Бизнинг Узуннинг носиям чаккимас. Лекин сизникига ўхшамайди. Қани, бу ёққа юринг-чи...

Носфурушнинг ҳийласи чиғириқдан ўтолмади. Носқовоқ божхонада иккига кесилиб кўрилганда, носнинг орасига устамонлик билан жойлаштирилган қаламнинг йўғонлигидек, узунлиги икки сантиметр чамасидаги юмолоқ нарсалар думалаб туша бошлади. Тўтиқушдек сайраб турган Мансурбекнинг тили танглайига ёпишиб, танасига иситма югурди.

Душанбе шаҳрида туғилган, 26 ёшли Мансурбек Холовнинг саргузаштлари шу таҳлит қўққисдан поёнига етди. Унинг сирли «Қора хазина»си холислар иштирокида текширилганида, 247 грамм 400 миллиграмм «гашиш» борлиги аниқланди...

Қалбда кучли бир оғриқ туради. Бу ажал уруғи яна қанчалаб ўн гулидан бир ғунчаси очилмаган йигит-қизларнинг умрига завол бўларкин?...

Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройли, дейишади. Афсуски, иқтисодий етишмовчиликларни рўкач қилиб олган айрим ёшлар, ҳатто аёллар оғуфурушлик билан шуғулланадиган бўлиб қолишди. Беихтиёр ачинасан киши. Кўзларини қамаштирган ҳамма нарса тилло бўлавермаслигини улар билишса эди...

Турсун МАҲМАДАЛИЕВ.



ТУЗНИНГ ХИСЛАТИ КЎП

Биз кўпинча ёғ қиздираётиб, унинг доғланганини билиш учун туз ташлаб кўрамиз. Аслида эса бу туз ёғдаги бадбўйни йўқотар экан.

Тузни ўсимликлар ҳам хуш кўради. Анжир ниҳолини уч кун намакобга солиб қўйиб, сўнг экилса, меваси ширин бўлади. Агар тузни яхшилаб майдалаб, анжирнинг томирини очиб, шу туздан унинг томирларига солинса, меваси тез пишади.

Дарахтлар ичида, айниқса хурмо тузга «ўч» экан. Шунинг учун ҳам бобо-деҳқонларимиз йилда бир марта хурмо томирларини очиб, туз солиб туришар экан.

БОШҚОТИРМА



ЭНИГА: 1.Ҳаётдан ажралган формал билим, қуруқ сафсата таълимоти вакили. 4.Бахшининг асбоби. 8.Аруз вазнидаги шеър. 9.Бир турли попуксимон ўсимлик. 10.Мусиқа асбоби. 11.Сариштасиз, бетартиб. 13.Ернинг пастбаландлигининг бирон бир нуқтага нисбатан ўлчови. 15.Соз чалувчи. 18.Бир аждоддан тарқалган кишилар. 19.Қадимда шоҳ фармонини халққа эълон қилувчи киши. 20.Миртемирнинг лирик қиссаси. 22.Идоравий ҳужжат. 25.Шодиёна, байрам. 27.Шоирлар тўғрисида қисқача маълумот бериладиган, ижод намуналари ўрин олган тўплам. 30.Шеърий йўлда ёзилган лирик қисса. 32.Қирғиз халқ эпоси. 33.Шоҳ саройидаги амалдор. 34.Баъзи маданий бошоқли ўсимликларга берилган умумий ном. 35.Хушрўй гул. 36.Ёғли патирдан қатлаб пишириладиган нон.

БЎЙИГА: 1. Олий лига жамоаси. 2. Миллий газлама. 3. Кал бошга керaксиз нарса. 4.Бўйдор ва урушқоқ хўроз тури. 5.Гаранг, телба. 6.»Кеча ва кундуз» романи қаҳрамонларидан бири. 7.Маҳбуслар сақланадиган жой. 12.Волга дарёсининг қадимги номи. 14.Суюқлик ўлчов бирлиги. 16.Ёғ тушса ялагудек. 17.Тоғнинг ўтиш қулай бўлган жойи. 18.Сўғд ўғлони. 21.Қизғониш ҳиссиёти. 23.Тикувчилик асбоби. 24.Самолётнинг эҳтиёж қисмлари сақланадиган жой. 26.Ўлчов асбоби. 28.Диёнат, иймон. 29.А.Қодирий қаҳрамонларидан бири. 30. Аммо, лекин. 31.Сўзлар таржимасидан тузилган китоб.

Тузувчи: Рустам ЗОИРОВ.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ 173-СОНИДА БЕРИЛГАН БОШҚОТИРМА ЖАВОБЛАРИ

ЭНИГА: 5.Хипнос. 6.Чиууа. 10.Рожа. 11.Торс. 12.«Рамаяна». 13.Остона. 15.Калуга. 17.Теизм. 19.Ибодат. 20.Амирий. 24.Туроқ. 25.Амрита. 27.Идиома. 28.Рамазон. 29.Этик. 31.Ароқ. 32.Аллома. 33.Шексна.

БЎЙИГА: 1.Жига. 2.Ангара. 3.Чуррак. 4.Чуют. 7.Понсад. 8.Осафий. 9.Трагик. 14.Нафосат. 16.Анероид. 17.Тракт. 18.Момиқ. 21.Комета. 22.Ирганч. 23.Шамшод. 26.Арашон. 27.Индекс. 30.Кола. 31.Адно.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вакти - 21.00 Топширилди 23.20

Буюртма Г— 1124. 1 2 3 4 5 6